


ISSN 2010-720X

2004-jıldní mart ayman baslap shıǵa basladı

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ HÁM ORTA ARNAWLÍ BILIMLENDIRIW MINISTRIGI



ÁJINIYAZ ATÍNDAĞÍ NÓKIS MÁMLEKETLIK
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTÍ



ILIM hám JÁMIYET

Ilmiy-metodikalıq jurnal

Seriya: Tábiyyiy hám texnikalıq ilimler. Jámiyetlik hám ekonomikalıq ilimler.
Filologiya ilimleri.

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat
pedagogika instituti

FAN va JAMIYAT

Ilmiy-uslubiy jurnal

Seriya: Tabiiy va texnika fanlari. Ijtimoiy va iqtisodiy fanlar.
Filologiya fanlari.

Нукусский государственный педагогический
институт имени Ажинияза

НАУКА и ОБЩЕСТВО

Научно-методический журнал

Серия: Естественно-технические науки. Социальные и экономические науки.
Филологические науки.

Nukus State Pedagogical Institute
named after Ajiniyaz

SCIENCE and SOCIETY

Scientific-methodical journal

Series: Natural-technical sciences. Social and economic sciences.
Philological sciences.

№1
2020

В статье отражены важнейшие задачи общеобразовательных учреждений в области защиты детей от информации, наносящей вред их здоровью исходящие из закона Республики Узбекистан «О защите детей от информации, наносящей вред их здоровью»

The article highlights the most important problems of public education to protect students from information that harms their health, this issue is the main aim of the law of the Republic of Uzbekistan "About protecting children from detrimental to their health information".

ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИНИНГ ТАДРИЖИЙ ЙЎЛИ Х.С.Жуманазаров - тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

ЎзР ФА Тарих институти

Таянч сўзлар: табиб, халқ табобати, эмпирик билим, синикий, аттор, юз шифофори (каххол), ЖССТ.

Ключевые слова: знахарь, народная медицина, эмпирические знание, костоправ, аттар, глазной лекарь (каххол), ВОЗ.

Key words: quack, folk medicine, empiric science, attar, eyes doctors' (kahhol), WHO.

Халқ табобатига доир анъаналар инсоният тарихи билан хамоҳанг бўлиб, жамиятнинг тараққий этиши ва инсонларнинг амалий фаолияти соғлиқни сақлаш соҳасига доир билимларнинг шаклланишига хизмат қилган. Халқ табобат билимларининг турфа хиллиги ҳамда табобат соҳаларининг ранг-баранглиги маҳаллий аҳолининг машгулот тури худуднинг табиий шароити ҳамда худудга хос флора ва фауна дунёсининг бойлигига қараб туркумланиб борган. Дунё ҳалқларида доривор ҳом ашё сифатида ўсимлик, хайвонлар ва минераллар ишлатилсада, тайёрлаши ва маҳаллий ўсимлик турлари ҳисобига фарқли томонлари кўзга ташланади. Даволаш жараёнининг методикаси, даво турларининг ўзига хослиги ҳамда айrim соҳага доир маҳаллий атамаларнинг кенг тарқалиши ҳисобига табобат анъаналарининг этнохудудий хусусиятлари юзага келган.

Ўзбекларнинг табобат анъаналари ҳам бошка ҳалқларнинг тиббий анъаналарига мос равишда бир оила ёки қариндошлар орасида отадан, баъзи холларда онадан болага оғзаки тарзда ўтиб келган [3:6]. Ҳонликлар даврида табобатга давлат томонидан алоҳида эътибор берилиши натижасида, тиббий анъаналар илмий жиҳатдан исботланиб, соҳага доир дарсликлар, илмий китоблар ва рисолалар яратилди. Абу Бакр ар Розий, Ибн Сино, Беруний, Навоий, Абулғози Баҳодирхон, Махмуд Ҳаким Яйғоний, Боситхон Шошибий ва бошқаларнинг асарларида [4,5,6,10,12] Шарқ табобати, жумладан ўзбек халқ табобатига хос дориворларнинг турларга ажратилиши, табиб шахси ва қасбига оид билимлар ҳамда халқ томонидан табобатда фойдаланиладиган турли ўлчовларга доир маълумотлар берилган.

XX асрнинг 20-йилларига қадар ўлқамиизда табиблар кенг фаолият юритиб, соғлиқни сақлаш соҳасида асосий мутахассис ҳисобланнишган. Чор Россияси босқинидан сўнг замонавий тиббиёт масканлари ҳам ташкил қилинган ва ҳар икки соҳа вакилларининг фаолияти юзага келган бўлса, Собиқ Иттифоқ даврида маҳаллий ўлкаларда замонавий тиббиёт ютуқларини жорий қилиш масаласига катта эътибор қаратилди. Тиббиётнинг табобат билан ўзаро рақобатида ҳукумат томонидан тиббиёт муассасаларини давомли кўллаб-куватланиши ўз натижасини берди ва ҳалқ табобатига птур етди. ЎзССР ҳалқ комиссарлар кенгаши ва марказий ижроия қўмита томонидан 1926 - йилда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш ходимларининг қасбий фаолияти ва хукуқлари”га доир қонун [14:71] қабул қилинishi оқибатида табиблар ҳамда даволаш билан шуғулланадиган, лекин тиббий дипломга эга бўлмаганлар таъқибга олиниб, 1926-1937 йиллар оралигига катағонга учради [9]. Шунингдек, тиббий китобларнинг аксарияти йўқ қилинган. Лекин, табобат анъаналари табобатдан хабардор айrim кишиларда яширин равишида сақланниб, улар ўзларини табиб сифатида эълон қилмасдан фаолият олиб боришиган. Аммо мунтазам фаолият юритувчи табобат мактабларининг йўқлиги, малакали табибларнинг камлиги, соҳага оид китобларнинг етишмаслиги,

борларини ҳам ўқиш имконининг йўқлиги¹ халқ табобатининг таназзулига сабаб бўлди.

Мустақиллик йилларида халқ табобатини тиклаш, табиблар фаолиятини тартибга солиш, табобат анъаналари билан тиббиёт ютуқларини ўзаро уйғунлаштириш борасида самарали ишларни ташкил қилиш долгарб масалага айланди. Табобат анъаналарининг узок йиллар давомида расман тақиқа учраши, кейинчалик соҳада етарли билим ва малакага эга бўлмаган саводсиз табибларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шундай бўлсада, тиббий билимга эга малакали табибларнинг фаолиятини ташкил қилиш ва уларни ўюстириш борасида мақсадли ишлар мустақилликнинг илк йилларида ёæk йўлга қўйилган. Жумладан, 1988-1990 йилларда Наманган шаҳрида таникли табиб Мухиддин Умаров бошчилигига “Шарқ табобати” маркази [13:50] ташкил қилинган. Марказ бутунги кунга қадар фаолият юритмоқда ҳамда ходимлар хасталикларни табиий воситалар ва халқ табобати усувлари билан даволашга ихтисослашган. Республикада табиблар фаолиятини тартибга солиш, табобат анъаналарини тиклаш ва тарғиб этиш билан 1996 йилда ташкил қилинган Халқ табобати академияси шуғулланади. Академия аъзо табиблар малакасини ошириш, қадимий табобат усувларини тиклаш билан бир каторда, бошка табобат мактаблари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу харакатни кенгрө ёритиш мақсадида академия тасарруфида 2000 йилдан бошлиб “Шарқ табобати” [17:4] журнали узлуксиз нашр қилинмоқда.

Тиббий билимларнинг турфа хиллиги ҳамда қасаллик турларининг хусусиятларига қараб табиблар ҳам соҳалар бўйича туркумланади. Умуман олганда, жаҳон этнология фанида халқ табобати билан шуғулланувчиларни иккита катта гурухга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: “анаъанавий табиблар” ҳамда “рухий таъсир орқали даволовчи табиблар”[11:6] ёки “маънавий табиблар” (шомон, баҳши), “тана хасталиклари табиблари”, фолбинлар[1:17], бошқача айтганда “шифобаҳш гиёҳлар билан даволовчилар” (Эмпирик билимга асосланган табиблар), “илоҳий, файритабиий кучлар асосида даволовчилар”[2:2] қабиладир. Халқимиз орасида фаолият юритаётган табибларнинг даволаш усувлари ҳамда воситаларига таяниб, иккита катта гурухга ажратиш мумкин: мистик табобат ва эмпирик табобат вакиллари.

Мистик табобат билан шуғулланувчилар, асосан, беморларнинг руҳий оламига таъсир қилиш натижасида, сўзлар орқали қасални шифо топишига ишонтириши орқали даволайди. Мистик табибларнинг ҳам ҳар бири алоҳида усул ва қасбий атрибултларга эга. Улар ҳалқ орасида даволаш усувларига қараб: баҳши, фолбин, азаимхон, садқоҷчи, мула, дуоҳон, парихон ва х.к. каби номлар билан аталади [8:48-52].

¹ Ҳукумат томонидан 1929 йилда (лотин ёзувига) ва 1939 йилда (кирилл ёзувига ўтиши) амалга оширилган ёзув ислоҳоти натижасида вақт ўтиши билан аҳолининг аксар қисми араб алифбоси ҳамда эски ўзбек ёзувига битилган манбаларни ўқин имкониятини йўқотди.

Эмпирик табобат йиллар давомида изланишлар ҳамда машақкатли тажрибалар ёрдамида инсонни дардан фориғ этувчи дорилар, даволаш усуллари ва тавсияларни ўзида жамлаган. Бу турдаги табиблар фақатгина табиий воситалар асосида дori тайёрлаб касалларни даволайди. Эмпирик табобатнинг мистик табобатдан фарқи шундаки, мистик табобат нарса ва ҳодисаларни илохийлаштириб, ундан шифо тиласа, эмпирик табобат ўша нарса ва ҳодисаларни шифобахш хусусиятини тажриба йўли билан исботлаган. Кўйида эмпирик табибларнинг умумий даволаш усуллари ҳамда ихтисослигига қараб бир қанча гурухларга ажратиб ўрганилган. Мавжуд этнографик маълумотлар ва тарихий манбалар асосида эмпирик табибларни еттига ихтисосликка ажратиб кўрсатиш мумкин.

- *Синиқчилар.* Халқ табобатида кенг таркалган табиб синиқчилар бўлиб, улар “дастакори”, “шикастабанд” [16:10] деб ҳам номланади. Синиқчилар суюкнинг синиши, дарз кетиши, чиқиши ҳамда этнинг лат ейиши кабиларни даволайди. Улар беморнинг умумий ҳолатини кузатиб, лат еган жойни ушлаб кўриш орқали ташҳис кўяди. Бундан ташқари, алоҳида уқаловчи табиблар (силоқчи) ҳам бўлиб, лат еган аъзони уқалайди.

- *Жарроҳлар.* Жарроҳлик ҳам юкорида санаб ўтилган табобат соҳалари каби инсонларнинг соғлигини тиклаш ишлари билан шуғулланган. Ўзбекларда жарроҳлар тиши олиш, хатна килиш, қон олиш ва бошқа мураккаб жарроҳлик усулларини билишади. Табобатда қон олишда зулукдан фойдаланилган бўлсада, киши ойларида зулукни сақлаш ва кўпайтириш бироз кийинчлилк туғдирди. Шу сабабли, наштар ва қортиқ ёрдамида қон олиш (хижома) амали кўлланилган.

- *Доригарлар, атторлар.* Замонавий дорихоналар очилгунга қадар ахолини дori маҳсулотлари билан атторлар таъминлаган. Аксарият доригарларнинг бозорлarda жойлари бўлган ёки чекка худудларга атторлар ҳафтанинг маълум кунлари катнаган. Бозорлarda гиёҳлар билан савдо килиш анъанаши буғунги кунга қадар мавжуд. Ҳозирда республиканинг турли бозорларида савдо қилувчилар фақатгина гиёҳларни териб келиб сотишади, улар туркона дорилар тайёрлашни билса, мураккаб дориларни тайёрлаш билими йўқ. Табиблар вактдан унумли фойдаланиш мақсадида оддий дориларни тайёрлаш ва доривор гиёҳларни териш каби юмушларга бошқаларни жалб қила бошладилар (бу иш шогирдларига ёки гиёҳлар ўсадиган токқа яқин кишиларга юқлатилган), оқибатда табибдан ажралмаган ҳолатда маҳсус дori тайёрловчилар пайдо бўлган.

Бундан ташқари *тери ва таносил* касаллигини даволовчилар ҳамда ички касалликларни даволовчи, юрак кўтариучи табиблар мавжуд. Тери таносил касаллигини даволовчилар теридағи турли яралар, қизамик, оқ доғ каби хасталикларни даволаш билан шуғуланишса, ички касаллик билан шуғулланувчи табиблар ошқозон фаолиятини бузилиши ва ички аъзоларда юз берадиган хасталиклар билан курашади. Тери касалликларни турига қараб даволаш узок давом этади ва бир неча босқичдан иборат. Ички касалликларни даволаш ҳам узок вақтни талаб қилади. Шу сабабли, бошқа табибларга караганда юкоридаги икки табибларнинг танилиши бир неча йилларга чўзилган.

Буғунги кунда табобат анъаналари ҳам истиқлол натижасида янгиланиб, ривожланиб бормоқда. Маълум даврларда республикамида сиёсий сабаблар тифайли тибиёт улуғланиб, табобат анъаналариға иккинчи даражали деб қаралган бўлса, буғунги кунда табобат замонавий тибиёт билан муштарак тараққий этётганини кўриш мумкин.

Тибиёт ривож топган XXI асрда ҳам инсонларнинг

табобат анъаналариға ишончи сақланиб қолмоқда. ЖССТ бу жараённинг сабаби сифатида, тибиёт хизматлари ва дориларнинг қимматлиги ҳамда кимёвий дori воситалари келтириб чиқараётган салбий асоратларнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини келтиради [15]. Халқ табобатига бўлган кизиқишининг ортишига табиблар хизматининг арzonлиги ва атрофдагиларнинг маслаҳати кабилар муҳим ўрин тутмоқда. Бугунги кунда ўзбек халқ табобатининг ва табибларнинг жамиятда тутган ўрни замонавий тибиёт вакилларини каби эмас. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд, жумладан:

- хукукий базанинг йўқлиги сабабли турли фирибгар ва соҳта табибларнинг мунтазам фаолият юритиб келаётгани;

- мистик ва эмпирик табибларнинг аралаш фаолият юритиши ва уларнинг барчаси халқ томонидан “табиб” деб тушунилиши;

- эмпирик табобатдан фарқли равшида, мистик табибларнинг имтиҳон қилиш имкониятининг камлиги (чунки, уларни имтиҳон қилувчининг ўзи ҳам файритабийи хислатга эга бўлиши керак. Аслида мистик табибларни қолипга солиш ва имтиҳон қилишининг қоида ва усуллари мавжуд эмас);

- айрим хорижий давлатларда иш юритаётган хусусий ташкилотлар томонидан берилган ҳужжатлар асосида табибликни бошлаб, синалмаган дori воситаларни тавсия этаётган тадбиркорларнинг фаолияти;

- Халқ табобати академиясидан рўйхатдан ўтган табибларнинг барчаси ҳам малакали эмас;

- ўзбек халқ табобати анъаналариға бағишлиланган араб, форс тилидаги ва эски ўзбек ёзувидаги китобларни буғунги кун табибларида мутолаа қилиш имкониятининг йўқлиги;

- энг асосий Собик Иттифок даврида халқ табобати анъаналариға қарши қаратилган сиёсий тазиқ натижасида тиббий билимларнинг йўқ қилиниши ва малакали табибларнинг ёппасига қатағонга учраши. Натижада, қарийб бир асрлик узилиш вужудга келди.

Мустакилликдан сўнг халқ табобати анъаналарни ўрганиш ва тиббий билимларни эгаллашга имконият вужудга келди. Ўтган давр мобайнида табиблар меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Бу борада ютуқ сифатида табобатга оид китоблар, кўлланмалар, рисола ва турли таржима асарларнинг нашр қилиниши бўлди. Ўзбекларнинг халқ табобати анъаналариға эътибор қаратсан, бу жараённинг шакланишида бир қанча омиллар муҳим аҳамият касб этади. Яъни, бизнинг юртимида яшаб ўтган аллома Ибн Синонинг халқ табобати анъаналарини илмий исботлаб берганлиги; ислом динининг тозаликка риоя қилиниши, табиблар этикаси, беморларга бўлган муносабат каби жихатларининг халқ табобати талаблари билан ҳамоҳанг келиши;

Анъаналарнинг бардавомлиги шундаки, улар вақт синовидан ўтган, тажрибада асосланган халқ билимлари маҳсулидир. Халқ табобати инсоният тарихи билан ҳамоҳанг ривожланиб келар экан, унинг анъана ва урф одатлари турли давр сиёсати ва тузум таъзийклари остида ҳам яшовчанлигини сақлаб колди. Буғунги кунда дori тайёрлаш, ташҳис кўшиш, даволаш каби анъаналар тибиётнинг замонавий усуллари билан бойитилган. Фан тараққиёти натижасида табиблар меҳнатининг бир кисми технологиялар зиммасига юқлатилди. Бироқ, замонавий тибиёт асосини халқ томонидан қўлга киритилган ютуклар ташкил қилади. Шундай экан, халқ табобатига доир анъаналарни ўрганиш, таҳлил қилиш халқнинг соғлиқни сақлашга доир маданиятининг ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Адабиётлар

1. Grzywacz Z. Traditional Kazakh medicine in change. – Poznan: 2010.
2. Sobiecki J. The intersection of culture and science in South African traditional medicine // Indo-pacific journal of phenomenology. 2014. Vol. 14.
3. Абдулжаббор Мухаммад Собир ўғли. Асрлар оңған табобат. – Тошкент: Davr press, 2007.
4. Абу Али ибн Сино. Тиб конунлари. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1992.
5. Абу Бақр ар Розий. Касаллиқлар тарихи. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1994.
6. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Том IV. Фармакогнозия в медицине (Китаб ас-сайдана фи-т-тиб). – Тошкент: «Фан», 1973;
7. Алишер Навоий.Мажолис ун нафоис. 13-жылд. -Тошкент: "Фан", 1997.
8. Василов В. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. -Москва: "Наука", 1992.
9. Беҳзодий. Узбекистон халқ табобати Академияси. //http://tib.islom.uz/xalq-tabobat/596-2012-03-06-14-55-51.html
10. Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Конунги Боситхон ёки конун ал-мабус. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
11. Бромлей Ю., Воронов А. Народная медицина как предмет этнографических исследований // СЭ. 1976. № 5.
12. Махмуд Ҳаким Яйфоний-Хўқандий, "Тарик ул-илож", 1913. -Қўқон: Шумакоф и К. 1-жилди, 3-4-саҳифа. (Қўқон адабиёт музейи, 70-ракам);
13. Мирвалиев С. Танишинг, шояд сиз ҳам шифо топсангиз (ҳайратми ё мўъжиза). – Тошкент: "Фан", 2005.
14. Сейфулмулуков И. К вопросу о табибизме в Узбекистане. // Медицинская мысль Узбекистана. Журнал субтропической, лечебной и профилактической медицины. – Ташкент: 1928. № 9-10.
15. Стратегия ВОЗ в области народной медицины 2002–2005. -Женева: Penata Kett Design, 2001.
16. Уролов А. Утмишда даволаш муассасалари. – Тошкент: "Фан", 1990.
17. Халқ табобати Академиясининг Президентта мактуби. //Шарқ табобати. – Тошкент: 2008. № 3.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўзбекларнинг табобат анъаналарининг яқин тарихи, ҳолати ва сўнгти йиллардаги тараққиёти ёритилган. Узбекистонда халқ табобатига доир уюшмаларнинг юзага келиши, уларнинг фаолияти тадқиқ этилган. Шунингдек, табибларнинг турлари ва соҳадаги муаммоли вазиятлар таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются вопросы исторического положения и развития в последние годы традиций народной медицины. В ней собрана информация об истории создания общества лекарей в Узбекистане и их деятельности. А также, проанализирована классификация лекарей и проблемы которые должны решаться в этой сфере.

SUMMARY

The article deals with the issues of the historical situation and development in recent years, the traditions of folk medicine. The information about the history of the creation of a society of doctors in Uzbekistan and their activities has been investigated. The author of the article also analyzed the classification of healers and problems that should be solved in this area.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХУҶУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ф.Қ.Қутлымуратов – юридика фанлари номзоди, доцент

Д.Қ.Ҳабибуллаева – 3-босқич талаба

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: ҳаракатлар стратегияси, халқлар ассамблеяси, миллат, конституция, виждан эркинлиги, диний бағрикенглик.

Ключевые слова: стратегия действий, ассамблея народов, нация, конституция, свобода совести, религиозная толерантность.

Key words: strategy of actions, assembly of nations, nation, constitution, freedom of conscience, religious tolerance.

Ўзбекистон ўз бағрида кўплаб миллат вакилларини бирлаштирган мустакил давлатдир. Миллатлар ўртасидаги тотувлик ва динлараро бағрикенглик халқимизга хос азалий қадирят ва олижаноб фазилат саналган.

Ҳозирги кунда юртимизда жами 130 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари тинч-тотувликда, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Ҳар бир миллат ва элат ўзига хос тарихий маданияти, урф-одатлари ва қадирияларига эга бўлиб, юртимизда уларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларга тинч осойишта ҳаёт кечириши учун қулай шароитлар яратиб бериш каби долзарб масалаларга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Шу сабабдан, мустакиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб юртимизда ушбу соҳада кенг ислоҳатлар амалга оширилди. Дастрлаб миллатлараро тотувликни таъминлашнинг энг устувор йўналиши саналган – миллатлар ўртасида турли можароларни келтириб чиқариши мумкин бўлган кўплаб ижтимоий муаммолар хал этилди. Шунингдек, республикамизда истиқомат килаётган кўплаб миллат вакилларининг ҳамжиҳатлигини таъминлаш, уларга барча соҳаларда тенг имкониятлар яратиб бериш ва унинг конуний асосини яратиш мақсадида бир нечта норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Яъни юртимизда истиқомат қилувчи барча халқларнинг хуқуқ ва эркинлеклари ўзининг хуқуқий асосларига эга, шунингдек, миллатидан катъий назар барча фуқароларнинг давлат олдидаги мажбуриятлари ҳам тегишли расмий хужжатларида ўз ифодасини топган.

Энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 8-моддасида «Ўзбекистон халқини, миллатидан катъий назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этади», – дея таъкидланади [1]. Яъни, юртимиз худудида туғилиб, истиқомат қилувчи ҳар бир киши

ирки, келиб чиқиши ёки миллатидан катъий назар Ўзбекистон фуқораси саналади ва бу қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Айнан, ушбу модда миллатлар ўтрасидаги ҳамжиҳатлик таъминлашнинг конуний асоси саналади. Шунингдек, турли миллат вакилларининг ҳамжиҳатлигини таъминлашнинг устувор йўналишларининг бири диний толерантлик, яъни диний бағрикенглик саналади. Конституциямиз ва бошқа қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатларда ушбу масалага алоҳида этибор қаратилиб, ҳарбир фуқаронинг ўз динига эътиқод қилиши учун юртимизда барча шаройитлар яратиб берилган.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ўзининг тарихи, маданияти ва бой анъаналарига эга кўплаб миллат вакилларининг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашда, айнан юкорида таъкидланадиек виждан эркинлигини таъминлаш мухим саналади. Мустақиллигимизнинг илк йилларида юртимизда диний қадирятларимизнинг кайта тикланиши, шунингдек, бугунги кунда дин соҳасида олиб борилётган оқилона давлат сиёсати натижасида юртимизда динлараро ҳамжиҳатлик қарор топмоқда. Фуқароларнинг ушбу конституциявий хуқуки ўзининг конуний асосига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида «Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки хеч қайси динга эътиқод кильмаслик хуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», - деб таъкидланаб ўтилган [1]. Конституциямизнинг виждан эркинлиги масаласига бағишиланган ушбу моддаси фуқаролар виждан эркинлигининг хуқуқий кафолати бўлиб, фуқаролар миллати ва динга бўлган муносабатидан қайтий назар ҳамма тенг хуқуқли саналади. Шунингдек,

M A Z M U N Í
TÁBIYIY HÁM TEKNİKALÍQ İLIMLER

Abjalilov S.X. Fazoda tekislikka va to'g'ri chiziqqisa nisbatan simmetrik almashtirishlarning umumlashgan formulalari	Fizika. Matematika. Informatika. 3
Атаджанов Х. Мустақил таълимда web ва таълим технологияларидан ҳамкорликда фойдаланиш орқали талабаларда инновацион қарашларни шакллантириши 5	
Джораев М., Б.А. Абдикамалов Б.А., Жожаназарова Р.М. Компьютерный эксперимент с использованием формул планка и релея-джинса для оценки границ квантовых и классических закономерностей при преподавании курсов оптики и атомной физики 8	
Файзуллаев Б.А., Камалов Э.Р. Коалинни бойитиш технологик жараёнини оптимизациялаш алгоритмини ишлаб чиқиши 10	
Холов Д.М., Музафаров А.М. Холбоев И. Оценка возможности методов анализа радионуклидного и химического состава природных вод 14	
Журақулов А.Р Музафаров А.М., Курбонов Б.И. Оценка состояния распределения естественных радионуклидов в почвах к близлежащим техногенным объектам 16	
Yavidov B., Narbayeva S., Ollomberganova M., Sultonova M., Nurimbetov K. Elektr zaryadlarning sharlarda o'zaro taqsimlanishiga oid bir masala xususida 18	

Biologiya. Zoologiya

Алламуратова Г.Б., Якупова П. «Хорезм балық өнимлери» акционерлик жәмиети 1-2-бөлім ҳәйкелері балықтарының цестоза - дактилогироз кеселігі 20	
Базаров Б.М., Ражамурадов З.Т. Турли паратипик омыллар таъсирида қоракүл күйлари катта қорнидаги ҳазм жараёнларининг ўзгарувчанлиғи 21	
Базарбаева Д.О., Медетов М.Ж. Устарт платосида қышловчи фенология спектрдаги түғриканотиларнинг экологияяси 23	
Ешмуратов Р.А., Д.С. Садыков Д.С., Сотимбоев Д.Д., Сайдова Д.М. <i>Stachys byzantina</i> C. koch қўкаламзорлаптириша истиқболли интродюцент ўсимлик 25	
Ибрагимов М.Ю., Сабирова М., Жожаниязов Н., Алланов М., Артыкова А. Қоракалпигистон Республикаси худудларida силлиқ қизилмия (<i>glycyrrhiza glabra</i> .) ўсимлигини уруғдан экиб кўпайтириши технологиясини такомиллаштириши 26	
Омонов М.И. Сурхондарё зот типидаги сур қоракүл күйлари ранг баранглигининг ирсийтаниши сифатлари 29	

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ İLIMLER**Ekonomika**

Ешимбетов У. Методика оценки и структура минерально-сырьевого потенциала региона 32	
Ruwqılıq tiykarları, tarıyx, huqiqtaniw, din taniw	
Жабборов Х., Мўминова Н. Темурийлар даври манбаларида Мұхаммад Тарагай антропонимининг қўлланиши ва семантик хусусиятлари 34	
Жамолдинова О. Ўқувчиларни зарарли ахборотлардан ҳимоя килишининг ҳуқуқий асослари 36	
Жуманазаров Х.С. Ўзбек халқ табобатининг тадрижий йўли 39	
Қутльмуратов Ф.К., Хабибуллаева Д.К. Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ва устувор йўналишлари 41	
Мамбеткаримов Р., Бийимбетов Ж., Абдиев Б. Гуманизм идеяларының инсан руўхийлығын қелипестириўдеги әҳмийети 43	
Низаматдинов Е. Яратувчининг ягоналигига далил 44	
Топов К.Т. Сурхондарё вилояти саноатининг иккинчи жаҳан уруши манбаатларига мослаштирилиши 46	
Упаев Т. Ислам дининиң жәмиетимиз турмысындан ахборотларни тасдиқлаштириши 48	
Шомирзаев М.Х. Фаргона водийси халқлари анъанавий каптадўзлигининг этнохудудий хусусиятлари ва омыллари 49	

FILOLOGIYA İLIMLERİ**Til bilimi**

Абдуллаева С.Н. Факторы возникновения узбекско – русской графической интерференции 52	
Адизова Н. Бухоро тумани топонимларининг таснифи 54	
Алламбергенова Г., Қобланова Ж. Фразеологизмлер қурамында «ақ» ҳэм «қара» рең семантикасының қолланылыўы 55	
Ходжаева Д.И. Замонавий тишигуносликда терминни таърифлашнинг турли ёндапувлари 57	
Хо'janiyazov E., Yuldasheva Sh.Sh., Yusupova G.A. Mushtarak ijtimoiy muhit va kommunikativ yaxlitlikda tillar o'zaro ta'siri masalalar 59	
Қарлыбаева Г. Әжинияз шығармалары тишиндеги үрп-әдег ҳэм дәстурларге байланыслы сөзлар 61	
Қурбанбаева Б.Р. Азық-аўқат атамаларының диалектлик өзгешеликлер менен қолланылыўы 65	
Rzaeva R.K. Animalistic images in Karakalpak folklore and written literature 66	
Юсупова Б.Т. Қарақалпақ тишиндеги сораў гәп түриндеги фразеологизмлер 68	

Àdebiyattnıw

Алламбергенов К., Алламбергенов Г.К. Каракалпакский народный эпос «Едиге»: типология этно-генетических сюжетных мотивов и её изучение зарубежными учёными 70	
Алламбергенова И. Каракалпақ халық прозасы жанрларын классификациялаудың гейпара машқалалары 72	
Амиркулова З.М. Ўз көртидан паноҳ излаган шоҳ ва шоир 74	
Баутдинова С. Ана муҳаббаты жыры 76	
Islamova D. Tejamilik – transpozitsiyani yuzaga keltiruvchi omil sifatida (Usmon Azim she'tiyati misolida) 77	
Каниязова Ж.О. И.Юсупов лирикасында түйүлган жер темасы 79	
Қанаатов Е.Е. Қарақалпақ халқының Жаңадәрья даўирине байланыслы тарийхий жырлары 82	
Кенесбаева Ш.К. Қарақалпақ халық дәстаны «Шәрияр» ҳэм онъи үйренийдиң гейпара мәселелери 84	
Кенесбаева Ш.К., Алламбергенов Е.К. Қарақалпақ халық дәстаны «Шәрияр»дың филологиялық ҳэм педагогикалық аспектинде үйренилийиниң гейпара мәселелери 86	
Матимов К.Г. Қарақалпақ эдебиятында импровизация дәстүриниң изертлениў мәселеси 88	
Матякупов С. Шеъриятда диалог: лирик ва драматик тасвир 90	
Nazrova D.I. Jamol Kamolning buyuk mutasakkir va jamoat arbobi Alisher Navoiyning “Asru” radifli g’azaliga yozgan mukammasi 93	
Рофиева Г.Ю. Метафоралар таржимаси таҳдиллида контекстнинг ўрни 94	
Ташанов К.Ю. Диалог таржимасида қаҳрамон характерини қайта тисклами 96	